

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 136 (11.447)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан БМТ Болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда мамлакатимизда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидаги ислохотларга бағишланган семинар ташкил этилди.
- Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилоят ва Бувайда туман кенгашлари ҳамкорлигида уюштирилган давра суҳбати «Инқирозга қарши дастурнинг ижтимоий устуворликлари ижросини таъминлашда Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг вазифалари» мавзусига бағишланди.
- Андижон вилоят адлия бошқармаси томонидан Андижон шаҳридаги 2-маишлий хизмат касб-хунар коллежида давлатимиз раҳбарининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi Ўзбекистон шароитида уни бар-тараф этишининг йўллари ва чоралари» асарини ўрганишга бағишланган семинар ўтказилди.
- Бухородаги «Заргарон-Плаза» меҳмонхонасида тадбиркорлар, бизнес тузилмалари, туризм соҳаси вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари учун «Ахборот тизимлари — бизнес ривожланиши йўлидаги калит» мавзусида семинар уюштирилди. Республика Савдо-саноат палатасининг Бухоро вилояти минтақавий бошқармаси ва Ўзбекистонда амалий консултацияга қўмаклашиш дастури — BAS Programme анжуман ташкилотчилари бўлишди.
- Булунғур туманидаги Муса Ҳайитов маҳалласида нон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхона ишга тушди. Корхонага хориждан соатига 100 килограмм қолипли нон ишлаб чиқарувчи технология келтириб, ўрнатилган бўлиб, айти пайтда бу ерда 9 нафар ёш ишга жалб этилган. Улар тайёрлаётган оби нон ва қолипли нонларнинг бозори чақон.
- Термиз туманининг «Орол» маҳалласида «Алиё-қатолот» корхонаси иш бошлади. Ёш тадбиркор Алиё Имомбердиева раҳбарлигида ушбу янги корхонада ишлаб чиқарилаётган гиламлар нафислиги ва сифатлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.



**МУСТАҚИЛЛИК
18**

**ФАН
ЮТУҚЛАРИ ВА
ТИББИЁТ
РИВОЖИ**

Ядро физикаси илми юксалиши жамиятнинг кўплаб соҳалари қатори тиббиётнинг янада ривожланишини таъминлаш, хасталикларни бирламчи баҳолашда аниқлаш ва самарали даволаш имкониятини бераётир.

Жаҳон тиббиётининг бу борадаги ютуқларидан мамлакатимиздаги соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳам кенг фойдаланилаётир. Шифо масканларида фойдаланилаётган замонавий ташхис воситалари ёрдамида диагностика ва даволаш ишлари кўлами тобора кенгаймоқда.

Пойтахтимиздаги Эндокринология илми тадқиқот институтида тиббиётнинг мазкур йўналишида қўлга киритилаётган ютуқлардан онкология ва кардиология соҳасида фойдаланиш истиқболларига бағишланган семинар бошланди. Унда мамлакатимиз олимлари, шифокорлар, ёш тадқиқотчилар билан бир қаторда Германия, Чехия, Россия, Эстония, Грузия, Украина, Польша, Латвия, Литва, Тожикистон сингари давлатлардан келган мутахассислар ҳам иштирок этмоқда.

Тадбирда Эндокринология илми тадқиқот институти директори С.Исмоилов инсон саломатлигини муҳофазалаш ва тиббий хизмат кўрсатиш сифати ҳамда кўламини кенгайтириш жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишидан бири эканини алоҳида таъкидлади. Президентимиз Исрол Каримовнинг соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишларига оид фармони бу жабҳадаги ишларни янада юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Мазкур фармонда белгиланган вазифалар босқичма-босқич ижро этилаётгани шифо масканларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий тиббиёт ютуқларини амалиётга кенг жорий этиш, илм-фан фаолиятини такомиллаштириш ва янги ихтиролардан даволаш жараёнларида самарали фойдаланишга хизмат қилмоқда. Бу борада халқаро ташкилотлар ва жаҳондаги нуфузли илм-фан марказлари билан йўлга қўйилган алоқалар ҳам ўз самараларини бераётир.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда МАГАТЭ ҳамкорлигида қарийб тўрт йилдан буён ҳаётга татбиқ этилаётган қўша дастур бунга мисолдир. Ушбу лойиҳа доирасида пойтахтимиздаги академик В.Воҳидов номидagi ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази ва Эндокринология илми тадқиқот институтига замонавий диагностика воситаси олиб келинди. Ушбу аппарат ёрдамида қалқонсимон без, жигар, буйрак, юрак, мия, суяклар ва бошқа аъзоларда кечаятган жараёнларни тез ва сифатли аниқлаш имкониятлари янада кенгайди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

«Мустақиллик биз учун — ўзлимизни
англаш, юрт тинчлиги ва
барқарорлигининг, инсон манфаати,
эркинлиги ва фаровонлигининг, биз
кўзлаган демократик жамият барпо
этишининг гаровидир»

**ПОЙТАХТНИНГ
БИР КУНИ**



Спортимиз нуфузи



**ЖАҲОНГА ТАРАЛУР
ЮРТНИНГ ШУҲРАТИ**

Дунёда бири биридан
гўзал шаҳарлар кўп.
Барчасининг таровати,
шаки-шамойли, об-
шавоси турфа. Лекин,
Тошкент улар орасида
меҳру муҳаббати билан
ажралиб туради. Тошкент
дунёга Ўзбекнинг
танглигини, саховатини,
бағри олам каби
кенглигию дийдори
қўешнинг истарали
нурларидек
жилвакорлиғи доимо
намоён этиб келмоқда...



ОЛАМШУМУЛ ЎЗГАРИШЛАР

Бу жилвакорлик ортида мустақил-лигимизнинг мустаҳкам тамал тошлари турибдики, унинг шиддати, виқори билан жаҳон спорт майдонларида голиблик шохсупасига кўтарилаётган Ўзбек фарзандлари шарафига Ватанимиз мадҳияси янграмоқда. Байрогимиз дунё узра хилпирамоқда. Унинг шуқуҳли хабарлари эса Тошкент орқали юртимизнинг барча кенгликларидаги захматкаш элдошларимизга етиб бормоқда. Бу хушxabарлар туфайли миллионлаб ватандошларимизнинг қалби гуруру ифтихорга тўлмоқда. Минглаб ёшларимиз Ўзбек спортининг энгилмас фарзандлари Миржалол Қосимов, Рустам Қосимжонов, Армен Багдасаров, Оксана Чусовитина, Саида Искандарова, Абдулла Тангриев, Дилшод Мансуров, Ирода Тўлагановаларга ўхшашга интилиб, спорт майдонларига ошиқмоқдалар.

1894 йили Халқаро Олимпия Қўмитаси ташкил этилиб, 1896 йилдан Олимпия ўйинлари ўтказиб келинаётган бўлса, орадан 95 йил ўтгандан сўнг, яъни 1991 йили Ватанимизнинг мустақилликка эришиши орқали жаҳон харитасидан кўёшли юрт ЎЗБЕКИСТОН ўз муносиб ўрнини эгаллади. Юртимиз спортчилари ватан шаъни учун халқаро мусобақаларда, Олимпия ўйинларида мустақил мамлакат вакиллари сифатида иштирок эта бошлашди. Албатта, бу эзгу ҳаракатларга, улуғ манзил сари дадил одимга оқ фотиҳа юртимиз юраги бўлган жонажон Тошкентда берилди.

Тарихнинг не-не бўҳронларини бошидан ўтказган пойтахтимиз Тошкент бугун мамлакатимиз спортининг

том маънодаги бешигидир. Бундан 20 йиллар муқаддам 2 миллиондан ошмиқ аҳоли истиқомат қиладиган Тошкентда спорт билан узлуксиз шуғулланса бўладиган 3-4 тагина аҳоли абгор спорт мажмуаси бўлар эди. Бу жойларнинг соясига ҳам яқинлаша олмаган маҳалла болалари эса чанг-тупроққа беланиб копток тешишарди. Бугунчи? Бугун тарихнинг шуқуҳсиз у кунлари ортда қолди.

— Бугунги шарт-шароит билан бизнинг давримиздаги аҳволни солиштирсангиз, осмон билан ерча фарқ бор. Бизнинг болалик давримизда чимли футбол майдонлари Тошкент шаҳри бўйича саноклигини эди. Кўпроқ машғулларимиз кўмпли ёки оддий ерли майдонда ўтказиларди.

(Давоми 2-бетда).

ЖАҲОНДА

- Гондурас давлатини вақтинча бошқарётган Р.Мичилеттининг таъкидлашича, ағдарилган президент М.Селайянинг ҳеч қандай йўллар билан ўз вазифасига қайта киришиши мумкин эмас.

- Молдовада наватдан ташқари парламент сайловларида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тадбири якунланди. Ушбу сайловларда 7 та партия қатнашди ва уларни ўтказиш 29 июлга белгиланган.

- Сурия Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотига кўра, агарда кўзда тутилаётганидек АКШ Президенти Барак Обама Дамашққа ташриф буюрадиган бўлса, бу Шимолий Американинг Яқин Шарқдаги сиёсати бутунлай ўзгаришидан далолат беради.

- Туркия пойтахти Анкара шаҳрида Nabusso газ ўтказгичи лойиҳаси бўйича ҳукуматлараро битим имзоланади.

- Нокулай об-ҳаво шароитлари туфайли Американинг «Эндевор» шаттлининг парвози яна бир кунга қўчирилди.

- Хакерларнинг кенг миқёсли кибер ҳужуми натижасида Жанубий Корея Президенти маъмуриятининг расмий сайти, мамлакат парламенти, Мудофаа вазирлиги, шунингдек, бир қанча банклар, газеталар тахририятлари, бир қатор тижорат компанияларининг компьютерлари ишдан чиқди. Жанубий Корея разведка хизмати-нинг маълумотларига кўра, хакерлар ҳужуми натижасида мамлакатдаги жами 12 мингдан ортиқ, хориждаги 8 мингта компьютер тизимлари ишламай қолган.

- Покистон Ташқи ишлар вазири Р.Малик «Ал-Қоида» террористик ташкилот раҳбари Усама бин Лодиннинг Афғонистон ҳудудига ўтиб кетганлиги сабабли АКШнинг Покистонга ракета зарбалари берилишини тўхтатиши лозимлигини таъкидлади.

- Кипр парламенти иш жойларида, шунингдек барларда, ресторонларда ва тунгги клубларда чекишни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Қонунни бузганлик учун 2 минг еврога қадар жарима тўла-ниши белгиланган.

- Европа қитъасидаги энг тоза давлатлар ўртасида ўзига хос танлов ўтказилди. Экологик жиҳатдан эришган ютуқлари учун рўйхатнинг етакчиси этиб Швейцария тан олинди. Ушбу рўйхатда иккинчи ўрин Швеция ва учинчи ўрин Норвегияга насиб этди.

**ҚИСҚА
САТРАРДА**

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ТОШКЕНТ** шаҳар ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармасида ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбирда шҳримиздаги академик лицей, касб-хунар коллежлари, гимназияларнинг 26 таси азия пойтахтимизнинг 2200 йиллиги таърифида капитал таъмирдан чиқарилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

✓ **МИРЗО** Улугбек туманида аҳолини, хусусан ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаси туман ҳокимлиги, туман бандликка қўмаклашувчи марказ ҳамкорликларида уюштирилди.

✓ **БУГУН** «Алоқачи» ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳида Хамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан тарбияланувчилар ўртасида уюштирилган танлов ва концерт дастури «Ким чиройли рақсга тушади?» деб номланди.

✓ **БУГУН** Миробод туманидаги 218-мактаб қошида ташкил этилган «Калдирғоч» ёзги болалар оромгоҳида «Ёз — ўтмоқда соз» мавзусида ўтказилган тадбир ва концерт дастури Миробод туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

ТИНЛИК ВА ДУСТЛИК РАМЗИ
2200
2009
ТОШКЕНТ

ЖАҲОНГА ТАРАЛУР ЮРТНИНГ ШУҲРАТИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Машгулот пайти майдон чағ-тўзон бўлиб кетарди... — дейди Республика Олимпия захиралари коллежи директори Мурод Алиев. — Бугунги шарафлар эса очиги, кўпгина чет мамлакатларда ҳам хали яратилгани йўқ. Ёшлар учун барча имкониятлар бор. Жаҳон андозаларига мос спорт майдони, либослар, машгулот жараёни, бундан фақат хурсанд бўлиш ва яхши спортчи бўлиб Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқ керак. Айниқса, пойтахтимизда жаҳон талаблари даражасида бунёд этилган спорт мажмуалари, футбол майдонлари оламшумул воқелик бўлди. Бу мажмуаларда қатор спорт турлари бўйича Жаҳон чемпионатларининг, ЖЧГА саралаш мусобақаларининг ўтказилиши эса мамлакатимизнинг кудратини белгилаш билан бирга ёшларимизнинг жаҳон чемпиони бўлишига катта майдон яратди. Бу имкониятни бизга ватанимиз Мустақиллиги, Президентимизнинг фидойилиги тўғрисида эди.

Ҳақиқатан ҳам, азим шаҳримиздаги юзлаб маҳалла ва мавзелар истиклол туфайли кўркам спорт майдонларига эга бўлди. Шаҳримизда дунё андозаларига жавоб берадиган замонавий спорт саройлари, стадионлар, теннис кортлари, гольф майдонлари бунёд этилди. «ЖАР», «Ўзбекистон», «Юнусобод», «Бунёдкор», «Пахтакор», «Умид», «Ёшлик», «Универсал», «Чигатой», «Сағбон» каби спорт мажмуаларида минглаб юрт фарзандлари футбол, теннис, баскетбол, кураш, бокс, гимнастика каби қатор спорт турлари билан доимий шуғулланмоқдалар.

БЛАТЕРЛАР ЭЪТИРОФИ

Шу кунгача Тошкентда спортнинг қатор турлари бўйича 10 мартага яқин жаҳон, 20 мартадан кўпроқ қитъа чемпионатлари, юз мартага яқин кубок, Гран-при мусобақалари ўтказилди. Айниқса, Ўзбек миллий спорти — Кураш бўйича тарихий 1-жаҳон чемпионати, Осиё чемпионати, Марказий Осиё ўйинлари, теннис бўйича «Президент Кубоги», эркин ва юн-рум курашлари бўйича ёшлар ўртасидаги Жаҳон чемпионати, «Мустақиллик кубоги», футбол бўйича Жаҳон чемпионатларига саралаш мусобақалари, профессионал бокс бўйича халқаро турнир, оғир атлетика бўйича Осиё чемпионати, бадий гимнастика бўйича «Шарқ маликаси», синхрон сузиш бўйича «Сув париси» Гран-при мусобақаларининг Тошкентда ўтгани жаҳон спорт саҳифасининг янги




зарварақларини очди.

— Тошкент кейинги ўн йилликда жаҳон ва Осиё чемпионатлари марказига айланди. Бирон бир йил йўқки, Тошкентда қайсидир спорт туридан нуфузли спорт мусобақаси ўтмаган бўлса. Мустақиллигимизнинг илк йилларида пойтахт аэропортида қайсидир чет мамлакатли спорт делегациясини кутиб олиш мураккаб жараёндек эди. Кутиб олишнинг режасини билмасдик. Турли қийинчиликларга дуч келардик. Энди эса буларнинг барчаси одатий ҳолга айланди, — дейди Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Алишер Ҳамрақулов. — Бугун Тошкент дунёнинг энг нуфузли спорт тадбирларини ҳам ўтказишга қодир шаҳар кўринишига эга бўлди. Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизга ташриф буюрган жаҳон спортнинг юлдузлари, нуфузли халқаро спорт ташкилотларининг раҳбарлари — Хуан Антонио Самаранч (Халқаро Олимпия Кўмитасининг собик президенти), шайх Аҳмад ал Фаҳад ал Сабаҳ (Осиё Олимпия Кенгаши президенти), Йозеф Блаттер (ФИФА президенти), Рафаил Мартинетти (ҳаваскор спорт курашлари федерацияси президенти), Аҳмад Чаудри (ҳаваскор боксчилар федерациясининг собик президенти), Чой Жонг Ванг (Жаҳон Тазқондо Федерацияси президенти)лар юртимизга ташриф буюришганда бу ҳақда фикр билдиришиб, Тошкент XXI асрнинг энг саховатли ва меҳмондўст спорт шаҳарларидан бири бўлганини айтишиб, Ўзбекистон пойтахти учун ҳар қандай нуфузли спорт тадбирини ўтказиш муаммо эмаслигини таъкидлашди.

5500 ТА МЕДАЛ

«Яна бир эътиборли жиҳат» шундан иборатки, Тошкент мустақиллигимизнинг 17-йили мобайнида мамлакатимиз спортчиларини 5 марта ёзги Олимпия ўйинларига, 4 марта Осиё ўйинларига, 400 мартага яқин жаҳон чемпионатларига ва 2000 мартадан ошқ турли халқаро мусобақаларга кузатиб кўйди. Ватанимиз спортчилари халқаро спорт майдонларидаги нуфузли мусобақаларда шу кунгача 5500 дан ошқик медаллар шодасини кўлга киритиб, Ўзбекистон номини улугламоқда. Шундан 23 та медалга спорт оламидаги энг нуфузли халқаро мусобақа — Олимпия ўйинларида сазовор бўлинди.

Шу кунларда юртимиз спортчилари 2010 йили Хитойнинг Гуанжу шаҳрида ўтадиган ёзги Осиё



ўйинлари ва 2012 йили Лондон (Буюк Британия)да бўладиган ёзги Олимпия ўйинларига ҳукумат Дастури асосида тайёргарлик кўрмоқда. Ишонимиз, Тошкентнинг кўркам спорт мажмуаларидаги машгулотлар Хитой ва Буюк Британияда ўзбек спортчиларининг шонли галабаларини таъминлайди!

— Ниҳоят холиснинг муроди ҳосил бўлади, дейди халқимиз. Бугун спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда эришган натижаларини сарҳисоб этиб, қувонсан киши. Бу ютуқлар замирида Тошкентнинг катта ўрни бор. Спортчиларимиз нуфузли мусобақаларга Тошкентда тайёргарлик кўришиб, халқаро майдонда муносиб галабаларга эришишмоқда. «ЖАР», «Динамо», «Пахтакор», «Бунёдкор», «Ўзбекистон», «Умид» каби спорт базаларида машгулот ўтиш учун яратилган шароитлар ёшларимизни доимо шоҳсўпа сари бошлайверади. Шу ўринда тошкентлик фидойи мураббийлар «спорт мутахассислари» хизматини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Уларнинг тинимсиз заҳматли меҳнатлари натижасида Ватанимиз спортчилари шундай ютуқларга эришмоқдалар, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози Раҳмонберди Аҳмедов.

Мамлакат шарафини юксакликка кўтарган спортчиларни фарзандини интизор кутган она сиймосида доимо Тошкент тантанали қаршилайди. Шу жиҳатдан айтиш лозим, юртнинг шухратини юксалтириш Тошкентдан бошланади. Бу табаррук маскан орқали дунёга ташланган шавкатли одим эса қалбларга гурур бағишлайди. Жаҳон аро Ўзбек номини улуглайверади.

Тўлқин РЎЗИЕВ

Алоқа

ЎЗ КАСБИНИНГ МОҲИР УСТАЛАРИ

«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси томонидан ўтказилган «Энг моҳир матбуот тарқатувчи» кўриқтанловида шахримиздаги матбуот тарқатувчи дўконлар сотувчилари ҳам фаол қатнашдилар.

Унга кўра матбуот дўконлари орқали шахримиз аҳолисига ижтимоий-сиёсий даврий нашрларни кўпроқ тарқатишга эришиш, аҳолининг маънавий эҳтиёжини қондиришда оммавий ахборот воситаларининг туган ўрнини кучайтириш каби тадбирларга эътиборни қаратиш кўзда тутилди.

Ушбу беллашувда пойтахтимиздаги 262 ва 278-матбуот дўконлари сотувчилари «Энг моҳир матбуот тарқатувчи» деган фахрли номни кўлга киритдилар.

КОМПАНИЯ САЎЙ- ҲАРАКАТИ БИЛАН

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали ёзги дам олиш мавсумини пухта тайёргарлик билан бошлаб юборди.

Бу корхона тасарруфидаги «Алоқачи», «Нилуфар» оромгоҳларида эса болакайларнинг мириқиб хордик чиқаришлари учун барча қулайликлар муҳайё қилинди. Уларда «Ёз — 2009» дастури асосида турли қизиқарли тадбирлар амалга оширилмоқда. Филиалга қарашли ёрдамчи ҳўжалик оромгоҳларни қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари билан таъминламоқда.

ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧЛАРГА ЭРИШИЛДИ

«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти Тошкент филиали корхоналари шу ўтган давр ичида молиявий-иқтисодий соҳада яхши кўрсаткичларни кўлга киритдилар.

Даромадлар режаси, филиал томонидан 111,6 фоизга урдаланди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ҳисоблаганда дамолларнинг ўсиш суръати 149,7 фоизга етди.

Корхона мўлжалдагидан 21 миллион сўм кўп соф фойда олишга эришди.

Тиббиёт

МЕҲР-МУРУВВАТ СОВФАСИ

Республика «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари ҳамкорлигида яна бир хайрли тадбир амалга оширилди. Бу сафар жамғармалар ҳимматидан «Нуроний» шаҳар клиник шифохонаси жамоаси баҳраманд бўлди.

Шифохонага 170 донна кўрпа-тўшак жамланмаси тортиқ қилинди. Ушбу чойшаб, кўрпа-жилд, ёстиқ ва сочиқлар «Маҳалла» жамғармасига қарашли «Маҳалла-мурувват» масъулияти чекланган жамиятининг қўли гул чеварлари томонидан тайёрланди.

Ушбу сазй-ҳаракат шифохонада ўз соғлигини тиклаётган отахон ва онахонларни беҳад мамнун этди.

ЯНГИ АППАРАТЛАР

Тошкент шаҳар Нефрология маркази замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Бу эса мураккаб даволаш усулларини амалиётга татбиқ этиш имконини бермоқда.

Ўткир ва сурункали буйрак етишмовчилиги билан оргин беморлар ҳам шифохонада даволаниб, дард кўрмагандек бўлиб кетмоқдалар.

Эндиликда бу ерда гемодиализ аппаратлари асосида муолажалар олиб бориш ҳам йўлга қўйилди.

ИНСТИТУТДА КОНФЕРЕНЦИЯ

Тошкент педиатрия-тиббиёт институтида тиббий таълим муассасаларининг ахборот-ресурс воситаларидан фойдаланишга бағишланган конференция ўтказилди.

Унда тиббий муолажаларда компьютер технологияларига оид адабиётларни оммалаштириш тадбирлари ҳам кўрилди.

Анжуманда олий ўқув юртининг электрон дарслик ва ўқув қўлланмалари жамланган китоб кўргазмаси ҳам намойиш қилинди.

Акбар АЛИЕВ

Бугунги кунда иқтисодиётимизни молиялаштириш манбаларининг салмоқли қисми айни корхона ва аҳоли маблағларига тўғри келмоқда ва улар ички инвестиция таркибининг деярли 60-70 фоизини ташкил қилади.

ИЧКИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР — КОРХОНАЛАР РИВОЖЛАНИШИ ОМИЛИ

Корхона маблағларининг бундай катта кўрсаткичага эга бўлишини биз, улар томонидан олинаётган даромадларнинг қайта инвестиция қилиниши билан боғлашимиз мумкин. Чунки қайта инвестициялаш жараёнида корхона ўз даромадини фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантиришга йўналтиради.

Амалиётда инвестицион ресурс сифатида бир қатор молиявий воситалардан фойдаланилади. Масалан, корхонанинг олган фойдаси, ўз фаолияти асосида ташкил этилган жамғарма, амортизация ажратмалари ва сугурта органлари томонидан тўланувчи сугурта бадаллари бевоқифа корхонанинг ўзи учун инвестицион ресурс бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга ҳўжалик субъектлари активларининг бошқа турлари — жумладан, асосий фондлар, айланма маблағлар, ер майдонлари, бино-иншоотлар инвестицион ресурс сифатида қатнаша олади. Корхонани инвестицион ресурс сифатида таъминловчи энг асосий молиявий восита сифатида жалб қилинган маблағлар муҳим роль ўйнайди. Бу ресурс таркибига акцияни сотишдан тушган тушумлар, хайрия ва бошқа бадаллар, шунингдек юқори даражада ҳолдинг ва компаниялар томонидан ажратилган маблағларни киритишимиз мумкин. Корхона маблағларини тақсимлаш жараёнида ички инвестиция муҳим бўлган бўгинга киритиладиган маблағ инвестицион ресурснинг зарур кўринишида амалга оширилади.

Молиялаштириш манбалари бўйича ички инвестиция таркибининг иккинчи йирик

субъекти — бу аҳоли маблағларидир. Аҳоли маблағлари асосида инвестициялаш уларнинг бўш турган пул маблағларини иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳасига жалб этилиши асосида амалга оширилади. Бунда аҳоли маблағлари билвосита инвестициялаши мумкин, яъни мулкчилик ҳуқуқига эга бўлиш асосида акцияларнинг ёки бўлмаса қимматли қозғалор портфелининг (назорат пакети) сотиб олиниши натижасида билвосита иқтисодиётга инвестиция киритилади. Шунингдек, улар киритган маблағ корхона маблағларининг бир қисми сифатида иштирок этиб, жалб қилинган маблағлар таркибининг тўлдирди. Шу билан бирга аҳоли сармоялари бевоқифа иқтисодиётга кириб келиши мумкин. Бунда аҳоли маблағларининг қатнашуви кичик бизнес ва хусусий тадбиркор капитални сифатида намойиш бўлади.

Кези келганда шуни таъкидлаш керакки, ўзлаштирилган барча инвестицияларнинг деярли 54 фоизини корхона ва аҳоли маблағлари ташкил этади. Бундай юқори кўрсаткич мамлакатимизда солиқ юки босқичма-босқич камайитириб борилаётганлиги ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион фаолигини кўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган сибатнинг нақадар тўғри эканлигини кўрсатиб турибди. Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, ички инвестицион маблағлар орқали молиялаштириш масалалари мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг юқори салоҳиятга эга бўлишига хизмат қилмоқда.

Ихтиёр ДАНАБОВЕВ

Бош прокуратурада

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида «Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши курашиш: муаммо ва ечимлар» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

ри, республика Хотинқизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси раислари, ҳуқуқий муҳофаз қилувчи органларнинг ходимлари иштирок этди.

Илмий-амалий конференцияда мустақиллик йилларида республикада одам савдоси жиноятларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

Жумладан, бу соҳада норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди, одамларнинг нолегал трафикига қарши курашиш ва унинг қурбонларини ҳимоя қилишга қаратил-

ган асосий халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди ҳамда уларнинг норма ва стандартлари миллий қонунчиликка имплементация қилинди.

Хусусан, мамлакатимиз парламенти томонидан «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди, Республика Президентининг 2008 йил 8 июлдаги

Қарори билан одам савдосига қарши курашиш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси ва одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссияси таркиби тасдиқланди, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 135-моддасига (Одам савдоси) тегишли ўзгартишлар киритилди.

бормоқда. Унинг олдини олишга қаратилган ҳар томонлама комплекс чоралар кўриломоқда.

Лекин амалга оширилган ишлар билан бир қаторда ҳудудий комиссияларнинг фаолиятида манфаатдор идораларнинг ишчи мувофиқлаштиришда айрим камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, юзага келган муаммоларни ҳал этиш-

нинг комплекс чоралари кўрилмаётганлиги таъкидланди. Илмий-амалий конференцияда амалиётчи мутахассис ва олимларнинг турли мавзулардаги маърузалари тинланди. Шунингдек, одам савдоси муаммосига бағишланган янги адабиётларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика Хотинқизлар кўмитаси раиси Ф.Ақбарова иштирок этди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссияси

КОЛЛЕЖДА ТАНТАНАЛИ ТАДБИР

Айни кунларда мамлакатимиздаги барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида битирувчиларга дипломлар топширилмоқда. Жумладан куни кеча Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежи битирувчиларига ҳам диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. «Битирувчи Шоу — 2009» деб номланган маросимда шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси вакиллари, театр актёрлари, ўқитувчи ва битирувчилар ҳамда ота-оналар иштирок этишди.

Тадбирни ўқув муассасаси директори О. Тожибоева кириш сўзи билан очиб, битирувчи ёшларни коллежни муваффақиятли тамомлаганликлари, мустақил ҳаётга қадам қўяётганликлари билан муборакбод этар экан, уларнинг келгусида ҳар томонлама билимли, юрт қорига ярайдиган, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган комил инсонлар бўлиб етишишлари тилак билдирди. Шундан сўнг битирувчиларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Ўз-қўзида кувонч порлаб турган қизларнинг чехраларида мамнунлик. Улар қўлларига диплом олиб, соҳа мутахассислигини эгаллашди, эндиликда кимдир олий ўқув юртига ўқишга кириш, кимдир олган билимларини амалда янада бойитиш мақсадида ўзи орзу қилган касбда иш фаолиятини бошлашга аҳд қилган.

—Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежи Марказий Осиёда ягона ҳисобланади, 1997 йилда ташкил этилган,— дейди мазкур коллеж директори Офтобхон Тожибоева.—Мақсадимиз ушбу таълим масканига мустақил фикрловчи, ўзининг кадр-қиммати билан аниқлашган, мустақам иродали, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган ҳуқуқий, тиббий, иқтисодий жиҳатдан саводдон, маънавияти юксак, ахлоқий пок, жисмоний етук бўлган қизларни тарбиялашдан иборат. Ҳозирги кунда коллежда 600 дан ортиқ қизлар тиббий ихтисомий ёрдам, ҳуқуқ ва ихтисомий муҳофазаси,

бошланғич таълим, кенг асортиментдаги кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштириш, бухгалтерия ҳисоби каби йўналишлар бўйича таҳсил олмақдалар.

Коллеж ўқув моддий техника негизи асосида замон талабларига жавоб берадиган жиҳозлар, ўқув куроллари, замонавий компьютерлар билан таъминланган. Ўқув хоналари ҳамда лабораториялар фанларга мос равишда жиҳозланган. Коллежнинг услубиёт хонаси 2008-2009 ўқув йили иш режасига асосан ташкил этилган. Услубий ишларнинг асосини тайёрланаётган мутахассисликлар бўйича яратилган дастурлар, таълим жараёнига янги педагогик технологиялар, ўқитишнинг илғор янги усулларнинг татбиқи этилиши ташкил этади. Шуни ҳам айтиш жоизки, коллежда 7 та фан кафедраси фаолият кўрсатади. Кафедраларнинг 50 нафарга яқин тажрибали ва ёш ўқитувчилари умумтаълим, касбий ва махсус фанлардан дарс берадилар.

Шу куни диплом топшириш маросими кувноқ куй-қўшиқлар, жозибали рақсларга уланиб, шодийна байрам тусини олди.

ДИЛОРОМ ИКРОМОВА
СУРАТДА: Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежидан битирувчиларга диплом топшириш маросимидан лавҳа.



Маълумки, мамлакатимизда соғлом оилани шакллантириш, она ва бола саломатлигини муҳофазаси қилишга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу борада жойларда кўплаб тадбирлар, мутахассис шифокорлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Оромгоҳларда

МУТАХАССИСЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Жумладан, Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан жойларда ўтказилаётган долзарб мавзудаги тадбирлар диққатга сазовор бўлмоқда. Хусусан, институти томонидан Учтепа туманидаги «Гулбаҳор» болалар оромгоҳида «Мавсумий юқумли касалликларнинг олдини олиш» мавзусида бўлиб ўтган тадбирда ўтқир юқумли ошқозон-ичак касалликлари, вирусли гепатитнинг олдини олиш, кўтуриш касаллигининг асоратлари ҳақида мутахассислар болаларга атрофлича маълумот бердилар. Шу билан бирга соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам равишда шуғулланиб боришлари, шахсий гигиена, тўри оватланиш ва ўз вақтида маданий ҳордиқ чиқаришлари зарурлигини таъкидлаб

ўтдилар. Шунингдек, институти Учтепа туман Саломатлик маркази, 25-оилавий поликлиника ҳамкорлигида «Трамвайчи» болалар оромгоҳида ҳам «Ўтқир юқумли ошқозон-ичак касалликлари, вирусли гепатит ва кўтуриш касаллигининг олдини олиш», «Гивандлик — умр заволи» мавзуларида тадбир ташкил этиди. Тадбирни Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали услубчи шифокори Насима Аҳмедова кириш сўзи билан очиб, энг керакли бўлган соғлиқни асраш ҳар бир инсоннинг ўз қўлида эканлигини, бунинг учун вақтида дам олиш, спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзида рияз қилиш лозимлигини қайд этиди. Шундан сўнг 25-оилавий поликлиника шифокори Г.Ойбекова болаларга айна пишиқчилик пайтида кўп учрайдиган ўтқир юқумли ошқозон-

ичак, вирусли гепатит касалликларининг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг олдини олиш учун асосан нималарга эътибор бериш зарурлиги ҳақида кенг маълумот берди. Шунингдек, кўтуриш касаллиги ҳақида оромгоҳ шифокори Р.Жўрабекова, гивандликнинг ёмон оқибатлари тўғрисида эса шаҳар Наркология диспансери шифокор-нарколог Н.Абдалиева батафсил тушунтириб бердилар. Ушбу касалликка чалинмаслик учун ҳар бир бола буш вақтида фойдали иш билан машғул бўлиши, кўпроқ спорт билан шуғулланиши, иродасини мустақамлаб бориши кераклигини айтиб ўтдилар.

Долзарб мавзудаги ушбу тадбирда болажонлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан етарли жавобларни олдилар.

Гулором ҲАМИДОВА

Футбол

«ПАХТАКОР» — ЯРИМ ФИНАЛДА

Футбол бўйича

Ўзбекистон Кубогининг «Пахтакор» — «Бухоро» жамоалари ўртасидаги чорак финал баҳси Виктор Жалилов шогирдларига омад келтирди.

Учрашувнинг дастлабки дақиқаларидан устунлиқни қўлга киритган майдон эгалари сермазмун, чиройли ўйин намойиш этишди ва 90 дақиқа мобайнида меҳмонлар дарвозасини уч марта аниқ нишонга ола билишди. Мухлисларга лаззатли онларни бахш этган голларни дарвозага З.Тожиев, Гейнрих, Аҳмедов йўллашди.

Энди «Пахтакор» жамоаси Ўзбекистон Кубогининг ярим финалида Фарғонанинг «Нефтчи» командаси билан уй-меҳмон тизимида куч синашади.

Ўзбекистон Кубогининг «Бунёдкор» — «Насаф» жамоалари ўртасидаги ярим финал баҳсининг дастлабки учрашуви қизиқарли курашлар остида ўтади, деб тахмин қилинган эди. Бироқ, ғалаба қозониш иштиёқида майдонда ҳаракат қилган Ривалдо сардорлигидаги майдон эгалари маҳорат, тажриба бодаида меҳмонлардан анча устун эканликларини намойиш этишди. 90 дақиқа мобайнида қаршиликлар дарвозасига Ривалдо, Солиев, Рамослар 3 та гол киритишди ва мезбонларнинг 3:0 ҳисобидаги ғалабасини таъминлашди.

Ўзбекистон Кубоги ярим финалининг Қаршида ўтадиган «Насаф» — «Бунёдкор» жамоалари ўртасидаги иккинчи учрашувда майдон эгалари йирик ҳисобда ғалаба қозонишлари шарт. Акс ҳолда «Бунёдкор» жамоасининг финалга йўлланма олиши турган гап.

(Ўз. мухбиримиз)

Ёз — ўтмоқда соз

БОЛАЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Болаларнинг ёзги таътил кунларини мароқли ва мазмунли ўтказиш борасида шаҳримиз туманларида қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса мактаблар қошида болажонлар учун барча қулайликларга эга бўлган кўплаб оромгоҳлар фаолият олиб бормоқда.

Учтепа туманидаги 116-мактаб қошида ташкил қилинган оромгоҳ ҳам болажонларнинг сеvimли масканига айланиб улгурди.

— Ёзги таътил кунларини мазмунли ва мароқли ўтказиш, болажонларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун барча қулайликларни яратиш энг муҳим вазифалар сирасига кирди,— дейди 116-мактаб директори Наргиза Хонтўраева биз билан суҳбатда. — Шу маънода мактабимиз қошида ташкил қилинган оромгоҳда 11 турдаги тўғарақлар, сузиш ҳавзаси, табиат хоналари, аргимчоклар учин учун мўлжалланган ўйингоҳлар, дам олиш хоналарида барча шарт-шароитлар тўла-тўқис яратилган. Турли хил анвойи гуллар билан безатилган шинам ҳовли мўъжаз-гуллари асосида тайёрланадиган дамлама сариқ касалида, бош оғриганда, бод, безгақ хасталикларига қўлланилади. Шунингдек, халқ табобатида дастарбош гуллари кукунни ёки ундан тайёрланадиган дамлама меъда-ичак касалликларига (гастрит, энтерит, колитларда) ел ва ўт ҳайдовчи, ўтсафро ҳайдовчи омил сифатида ишлатилади. Қовуқ, буйрак касалликларига, никризи (подагра) бод, кўёнчиқ шақика (мигрён), шамоллаш билан боғлиқ хасталикларда қўлланилади, жароҳатларни даволаш учун ҳам фойдаланилган.

Халқимизда синалган тадбирлар мавжуд, гўшт нимталарини бузилишдан сақлаш учун уларнинг усти ва тагида дастарбош қўйиб қўйилган.

гина эртақлар мамлакатига айланганликдан таассурот қолдиради кишида. Болажонлар бисер тиқиш, тўқиш, шахмат-шашка, мусиқа ва спорт тўғарақларига астойдил қизиқиб қатнашмоқдалар. Айниқса махсус тайёрланган сув ҳавзасида сузиш уларга олам-олам кувонч бағишламоқда.

Дарҳақиқат, мазкур ўқув муассасасида ташкил қилинган ёзги оромгоҳ барча талабларга жавоб берадиган тарзда жиҳозланган.

Оромгоҳда ўтказилаётган турли хил спорт мусобақалари, шеърхонлик кечалари, билимдон ва топқирлар деб номланган қизиқарли ўйинлар болажонлар онгу тафаккурини чарх-лашда муҳим омил бўлмоқда.

(Ўз. мухбиримиз)

Шифобахш ўсимликлар

ТИЛЛАРАНГ ДАСТАРГУЛ

Ўлкамизни доривор ўсимликлар маскани сифатида таърифлайдилар. Мингларча хосиятли наботот намуналарни орасида дастаргул (дастарбошни тожиклар зарпоша, руслар пижма деб юртишади) айниқса шифобахшлиги билан ажралиб туради.

Замонавий тиббиётда дастарбош тўпуғулли кукун ёки дамлама кўринишида ноҳус хасталиклардан бўлими аскаридоз, энтеробиоз, лямблиоз, сариқ касали, холециститлар, ўт-тош касалликларига ишлатилади. Бу борада Томск тиббиёт институтининг ходимлари дастарбош дориворлари

гепатит, холецистит ҳамда лямблиозда самара беришини қайд этганлар. Бунинг учун 10-16 грамм дастарбош гул тўплами 200 миллиграмм сувга солиниб қайнатма тайёрланади. Дамлама шарбатидан кунига 3 марта овқатланишдан ярим соат олдин 3-5 қошиқдан ичилади.

Дастарбошнинг тўпуғулли таркибида 2 фоиз атрофида, баргларида эса 2 фоизга қадар эфир мойи, флавоноидлар (липтолин, кварцетин, алегенин, диосметин ва бошқа ошловчи ва аччиқ моддалар), алкалоидларнинг мавжудлиги аниқланган.

Маннон НАБИЕВ, доривор

Бош муҳаррир
Акматали АҚРОМОВ
Манзилмиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.
Ҳажми — 2 босма табақ,
офсет усулида босилади.
2857 нусхада босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг имконияти.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланади.
«Шарқ» нашриёт-матбوع акциядорлик компанияси босмоқхонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.
156.89
Топширилган вақти: 13.15



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ

ҲИКМАТЛАР
САБРДА ҲАМ МЕЪЁР БОР
— Одамнинг энг яхши хислати сабрли бўлиш, аммо узоқ вақт сабр қилиш учун бир умр кифоя қилмайди, икки умр керак, — деган экан Бузургмехр.

УМР ҚАДРИ
Бузургмехрдан сўрадилар:
— Нега сен қўлингдан кетган нарсанга хафа бўлмайсан ва қўлингга келган нарсадан шодланмайсан?
У деди:
— Қўлдан кетган нарсани хафагарчилик билан топиб бўлмайди, азиз умрни эса мол-дунё шодлиги билан бехуда ўтказиб бўлмайди. Шундай экан, нега энди фойдасиз нарса учун гам чекай, менга бир умр вафо қилмайдиган нарса билан қувонай?!

ОРТИҚЧА ОДАМ
Бузургмехрдан сўрашибди:
— Инсон учун энг зарур нарса нима?
— Тугма зехн.
— Тугма зехн бўлмаса-чи?
— Одоб ва илм ўргансин.
— Ўрганолмаса-чи?
— Молу давлат орттирсин — бойлик ҳам кишининг кўп айбларини бекитлади.
— Бу нарса қўлидан келмаса-чи?
— Хушмуомала бўлсин — бу ҳам одамнинг зийнати.
— Эплоймаса-чи?
— Бунақа тирикликдан ўлим афзал: ҳам одамлар ундан қутулади, ҳам ўзи ўзидан қутулади.

ҲИЛМ НИМА?
Анушервон Бузургмехрдан:
— Ҳилм нима? — деб сўради.
У деди:
— Ҳилм ахлоқ дастурхонининг тузи. Ҳилм сўзини тескари ўқисанг милх, яъни туз бўлади. Ҳеч бир овқат тузсиз таъмга эга бўлмайди. Ҳеч бир хулқ ҳам ҳилм, яъни мулоимликсиз камол тополмайди!
Анушервон яна ундан:
— Ҳилмнинг белгилари қандай бўлади? — деб сўради.
— Унинг уч аломати бўлади, — деб жавоб берди Бузургмехр, — биринчиси — биров сенга қовоғини солса ёки аччиқ сўзларни айтса ҳам, унга нисбатан ширин сўз айтасан, агар у ўз феъли билан хафа қилса, уни хурсанд қилишга уринасан. Иккинчиси — газаб ўт олиб, осмонга ўрлаган пайтда ҳам, сукут қилиб, хомуш бўлиб турасан. Учинчиси — бирор кимса кирдикори билан газабга лойиқ бўлса ҳам газабни ичга ютиб, ўзингни босасан!

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Тадбиркорлар диққатига!
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуринда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, манфаатларини таъминлаш юзасидан Жамоатчилик кенгаши фаолият кўрсатмоқда.
Жамоатчилик кенгашининг «Ишонч телефони»:
150-31-01
Манзилмиз: Тошкент шаҳри, Амир Темуր шоҳқўчаси, 14-уй.